



РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА СОЛИҚ МАЪМУРЧИЛИГИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА НАТИЖАЛАРИ

Лукманов Кахрамон Абдурахманович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Солиқ ва солиққа тортиш”
кафедраси мустақил тадқиқотчиси

kakhramonlukmanov@gmail.ru

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда солиқ маъмурчилиги соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш амалиёти ва унинг босқичма-босқич ривожланиш жараёни атрофлича таҳлил қилинган. Соҳани рақамлаштириш натижасида эришилган ютуқлар, хусусан, тўпланган катта ҳажмдаги маълумотлардан самарали фойдаланиш асосида солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган рақамли хизматлар бўйича амалий натижалар таҳлил этилиб, уларнинг соҳавий аҳамияти қисқача ёритиб берилган. Шунингдек, тизимда шаклланган маълумотлар массивини чуқур таҳлил қилиш асосида рақамли хизматлар кўламини янада кенгайтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда солиқ тўловчилар учун янада қулай ва самарали хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Аннотация

В настоящей статье проанализирована практика внедрения цифровых технологий в систему налогового администрирования Республики Узбекистан, а также выделены основные этапы её развития. Рассмотрены достижения, достигнутые в результате цифровизации отрасли, в частности практические результаты предоставления цифровых услуг налогоплательщикам на основе эффективного использования накопленных массивов больших данных. Также кратко раскрыто их значение для дальнейшего совершенствования системы налогового администрирования. Кроме того, на основе глубокого анализа накопленных данных в системе выдвинуты предложения и рекомендации, направленные на дальнейшее расширение спектра цифровых услуг, устранение имеющихся проблем и повышение удобства и эффективности обслуживания налогоплательщиков.

Annotation

This article analyzes the practice of introducing digital technologies into the tax administration system of the Republic of Uzbekistan, and highlights the main stages of its development. The achievements achieved as a result of digitalization of the industry are considered, in particular, the practical results of providing digital services to taxpayers based on the effective use of accumulated arrays of big data. Their importance for further improvement of the tax administration system is also briefly disclosed.

In addition, based on an in-depth analysis of the accumulated data in the system, proposals and recommendations are put forward aimed at further expanding the range of digital services, eliminating existing problems and increasing the convenience and efficiency of servicing taxpayers.

Калит сўзлар

Солиқ маъмурчилиги, ахборот тизимлари, оптималлаштириш, рақамлаштириш, автоматлаштириш, диверсификация, дискрет, яширин иқтисодиёт.

Ключевые слова

Налоговое администрирование, информационные системы, оптимизация, цифровизация, автоматизация, диверсификация, дискретность, теневая экономика.

Keywords

Tax administration, information systems, optimization, digitalization, automation, diversification, discreteness, shadow economy.

Кириш

Бугунги кунда рақамли технологиялар жамият тараққиётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Уларсиз замонавий ҳаётни тасаввур этиш кун сайин тобора мураккаблашмоқда. Мазкур йўналишда ўз вақтида зарур ислохотларни амалга оширган, стратегик дастурларни самарали жорий этган давлатлар барқарор ва тизимли ривожланишга эришмоқда. Айни пайтда рақамли трансформацияга етарлича эътибор қаратмаётган ҳамда анъанавий ёндашувларга суяниб қолган мамлакатлар глобал тараққиёт пойгасида орқада қолмоқда.

Аслида, рақамли технологиялар — маълумотларни кодлаш, қайта ишлаш ва узатишга асосланган, турли вазифаларни самарали, тезкор ва аниқ амалга ошириш имконини берувчи дискрет тизимлардир. Улар фақатгина техник ечим сифатида эмас, балки жамиятнинг ҳар томонлама модернизация қилишда муҳим илғор омил сифатида намоён бўлмоқда. Рақамли инновацияларни жорий этиш фуқароларнинг турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, шунингдек, тафаккур услубига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Рақамлаштириш жараёни бугунги кунда нафақат давлат бошқаруви тизимида, балки хусусий секторда ҳам жадал суръатларда илгариламоқда. Айниқса, йирик корпорациялар глобал интернет технологияларидан самарали

фойдаланиш орқали ўз фаолият доирасини кенгайтиришга эришмоқда. Географик жиҳатдан турли ҳудудларда бир вақтнинг ўзида иш юритиш имконияти операцияларни юқори самарадорлик билан ташкил этиш ва бошқаришга замин яратмоқда. Шу билан бир қаторда, бошқарув ва мониторингнинг оптималлаштирилган механизмларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификация қилиш учун кенг имкониятлар очмоқда.

Солиқ тизими ҳам мазкур трансформация жараёнларидан мустасно эмас. Бугунги кунда рақамли технологиялар ушбу соҳанинг ажралмас таркибий қисмига айланиб улгурган. Солиқ маъмурчилигини самарали ташкил этишни рақамли ечимларсиз тасаввур этишнинг ўзи қийин. Шу нуқтаи назардан, соҳадаги самарадорлик, шаффофлик ва ҳисобдорлик даражаси, аввало, рақамли технологияларни изчил татбиқ этиш ва мунтазам такомиллаштириш билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланмоқда.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда солиқ маъмурчилиги соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш амалиёти ҳамда мазкур жараённинг босқичма-босқич ривожланиш йўналишлари таҳлил қилинган. Жумладан, соҳани рақамлаштириш орқали эришилган ютуқлар, айниқса, йирик маълумотлар мажмуасидан оқилона ва самарали фойдаланиш асосида солиқ тўловчиларга тақдим этилаётган интерактив ва автоматлаштирилган рақамли хизматлар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Халқаро Валюта Жамғармасининг Молиявий масалалар бўйича департаменти директори ўринбосари Мичаэл Кин ҳамда Глобал тараққиёт марказининг етакчи сиёсатчиси Санжеев Гупта ўзларининг “Public Finance Goes Digital” сарлавҳали мақоласида рақамли технологиялар, жумладан электрон тўлов тизимлари нафақат солиқ йиғимлари билан боғлиқ харажатларни камайтиши, балки солиқ солинадиган базани кенгайтириш имконини яратиши мумкинлигини таъкидлаганлар [1].

Жаҳон банки мутахассислари Raul Felix Junquera-Varela ва Cristian Oliver Lucas-Mas ўзларининг “Revenue Administration Handbook” асарида замонавий рақамли ҳукумат трансформацияси жараёни доирасида даромад йиғиш тизимини янада самарали ва қулай қилиш зарурлигини таъкидлаган. Улар, бу жараённинг асосий мақсади фуқаролар ҳаёти сифати ва давлат органлари билан ўзаро муносабатларини яхшилаш, уларни соддалаштириш ва тезлаштиришдан иборат эканлигини қайд этган. Шунингдек, нафақат янги тизимлар яратиш, балки улардан самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, хизматларни фуқаролар эҳтиёжларига мослаштириш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида урғуланган [2].

Солиқ тизимини автоматлаштириш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган Н. Мухаммадов ўзининг “Мамлакатимизда солиқ маъмурчилигида ахборот технологияларнинг зарурлиги ва унинг илмий-назарий асослари таҳлили” номли мақоласида таъкидлашича, солиқ органлари фақатгина солиқларни мажбурий тартибда ундириш билан чекланиб қолмасдан, солиқ тўловчиларга кенг қамровли хизматлар кўрсатиш ҳамда уларнинг солиқ

маданиятини ошириш борасида ҳам тизимли ишларни амалга ошириши лозим. Жумладан, солиқ ҳисоботларини электрон шаклда қабул қилиш, солиқ қонунчилигидаги янгилик ва ўзгаришларни белгиланган тартибда фойдаланувчиларга етказиш, солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловлар юзасидан саволларга жавоб бериш ва маслаҳатлар тақдим этиш каби ишлар ушбу фаолият йўналишларига киради [3].

Мамлакатимиз раҳбари томонидан солиқ юкини камайтириш, соҳани рақамлаштириш, шунингдек, солиқ маъмуриятининг вазифа ва функцияларини янада кенгайтиришга қаратилган аниқ устувор йўналишлар белгилаб берилган.

Жумладан, жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган тезкор ўзгаришлар ва мураккаб тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, солиқ тушумларининг барқарорлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги давлат раҳбари томонидан алоҳида таъкидланган.

Бундан ташқари, солиқ тизимининг давлат корхоналарини трансформация қилиш жараёнларида фаол иштирокини таъминлаш, шунингдек, уларнинг таннархини қисқартириш ва молиявий барқарорликка эришишга амалий ёрдам кўрсатиш учун аниқ йўналишлар белгилаб бериш зарурлиги ҳам алоҳида қайд этилган. [4].

Методология

Тадқиқот доирасида тизимли таҳлил, илмий мушоҳада, таҳлил ва синтез, индукция ҳамда дедукция каби илмий тадқиқот методларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги кунда солиқ тизимининг асосий устувор йўналишлари — солиқ қоидабузарликларининг олдини олиш, солиқ тўловчиларни ўз мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажаришга рағбатлантириш, шунингдек, ноқонуний солиқ схемаларини қўллашдан воз кечишни таъминлашдан иборатдир.

Шу билан бирга, солиқдан бўйин товлаш хавфи юқори бўлган корхоналар билан ишлашда саъй-ҳаракатларни мақсадли равишда йўналтириш ҳамда инсофли солиқ тўловчиларга нисбатан маъмурий юкни камайтириш орқали тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган маъмурий босимни изчил равишда пасайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги йилларда солиқ маъмурчилиги жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини изчил жорий этиш натижасида, Солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчилар ва солиқ солинадиган объектлар тўғрисидаги ишончли маълумотларни тизимлаштириш, уларни қайта ишлаш ҳамда хавфсиз ва ишончли сақлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб, солиқ тизимини рақамлаштиришга қаратилган бир қатор муҳим ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

Солиқ маъмурчилигида ахборот технологияларини жорий этиш ва уларни босқичма-босқич ривожлантириш жараёни шартли равишда уч босқичга бўлиб таҳлил қилиниши мумкин.

1993–2011 йилларни қамраб олган дастлабки босқичда солиқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида маълумотларни қайта ишлаш имконини берувчи ягона

компьютер тармоғи шакллантирилди. Солиқ органлари замонавий техника воситалари билан жиҳозланди, эски ускуналар янгиланди, рақамлаштириш учун зарур инфратузилма яратилди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 августдаги 388-сонли қарори қабул қилиниши орқали солиқ органларида ягона компьютер тизимини яратиш учун зарур ҳуқуқий ва амалий асослар шакллантирилди.

1995 йилда қабул қилинган 359-сонли қарорга асосан, солиқ органлари ходимларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда Янги технологиялар илмий-ахборот марказини ташкил этиш белгиланди.

1997 йил 11 мартдаги 130-сонли қарорга мувофиқ, солиқ тўловчиларга идентификация рақамларини бериш ва улардан фойдаланиш тизими жорий этилди. Ушбу қарор солиқ соҳасида ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда назоратни кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 8 январдаги

ПҚ-1257-сонли қарор билан солиқ органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг янгича тузилмаси шакллантирилди. Шунингдек, солиқ тўловчиларни ягона маълумотлар базаси асосида ҳисобга олиш механизмларини такомиллаштириш Давлат солиқ қўмитасининг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

2012–2019 йиллар даврини қамраб олган иккинчи босқичда солиқ органлари тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг янги институционал тузилмаси шакллантирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ–1843-сонли қарори солиқ маъмурчилиги тизимида ахборот технологияларини жорий этиш ва уларни такомиллаштириш жараёнига янги туртки берди. Қарорга мувофиқ, солиқ мажбуриятлари юзага келиши ёки тугаши билан боғлиқ маълумотларни тегишли вазирлик ва идоралардан Давлат солиқ қўмитасига электрон тарзда тақдим этиш учун зарур ҳуқуқий асос яратилди. Мазкур жараён доирасида 43 та давлат ва бошқа ваколатли органлар томонидан белгиланган турдаги маълумотларни ўз вақтида ва тўлиқ шаклда тақдим этиш мажбурияти қонуний тартибда белгилаб қўйилди.

Шунингдек, солиқ органларининг барча ҳудудий бўлинмаларидаги маълумотлар базалари архивланиб, марказлаштирилган маълумотларни сақлаш марказига жамланди.

Бу эса, ўз навбатида, маълумотларни ягона тизим асосида сақлаш, уларни тезкор таҳлил қилиш ҳамда қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлигини ошириш имконини яратди.

Шу билан бирга, солиқ маъмурчилиги жараёнига автоматлаштирилган таҳлил усуллари босқичма-босқич ва изчил тарзда жорий этила бошланди.

Хусусан, Давлат солиқ хизмати органларининг “Электрон солиқ хизматлари” портали фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу платформа орқали анъанавий хизматларни рақамлаштириш ва оптималлаштириш, уларнинг самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш, шунингдек, солиқ тўловчилар учун янада кенг имкониятлар ва қулай шарт-шароитлар яратишга эришилди.

Дунё миқёсида COVID-19 пандемиясининг тарқалиши глобал иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин камайиши, халқаро савдо ва молия бозорларида барқарорликнинг издан чиқишига сабаб бўлди.

Мазкур шароитда солиқ маъмурчилигини рақамлаштиришни янги босқичга олиб чиқиш, шунингдек, солиқ тўловчилар учун қулай, самарали ва масофадан туриб хизмат кўрсатиш механизмларини жорий этиш муҳим ва долзарб вазифалардан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг “Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ушбу йўналишда устувор вазифалар белгиланди [5].

Ушбу босқичда солиқ маъмуриятини автоматлаштиришга қаратилган замонавий технологик ечимларни жорий этиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Жумладан, Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси тасдиқланди.

Мазкур стратегия доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалий ишларга старт берилди:

Маълумотларни қайта ишлаш маркази ва идоралараро маълумот алмашиш тармоқлари замонавий талаблар асосида модернизация қилиш;

Солиқ маъмуриятини автоматлаштиришда фойдаланиладиган ахборот тизимлари учун ягона технологик платформа яратиш;

Business Intelligence технологиялари асосида маълумотларни таҳлил қилиш ва визуализация қилиш имкониятлари жорий этиш;

Big Data каби илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда катта ҳажмдаги маълумотлар билан самарали ишлаш механизмлари йўлга қўйиш;

Солиқ тўловчиларга контактсиз электрон хизматлар кўрсатишга босқичма-босқич ўтиш, бунда уларнинг шахсий кабинетлари имкониятлари кенгайтирилди, шунингдек, хизмат кўрсатишнинг инновацион усуллари амалиётга татбиқ этиш;

“Онлайн назорат-касса машиналари”, “Электрон ҳисобварақ-фактуралар” ва бошқа марказлаштирилган ахборот тизимлари орқали тўпланган маълумотлар асосида бозор конъюнктураси таҳлил қилинмоқда, ҚҚС занжири устидан назорат ўрнатилмоқда ва товар ҳамда хизматлар ҳаракати доимий мониторинг қилиш;

Давлат солиқ хизмати органларида “инсон омили” таъсирини камайтириш ва коррупция ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилувчи замонавий солиқ назорати тизими шакллантириш;

Реал вақтда маълумотлар ва таҳлиллардан фойдаланиш асосида солиқ тизимини самарали бошқариш механизмлари такомиллаштириш;

Телекоммуникация тармоқлари, ахборот тизимлари, ресурслар ва маълумотлар базаларини ҳимоя қилиш мақсадида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳасида замонавий технологиялар жорий этиш, таҳдидларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга қарши самарали чоралар кўриш.

Бу жараёнларни амалга ошириш учун дастлаб Солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш марказини замонавий сервер ускуналари ва

тегишли дастурий таъминот билан таъминлашни тезлаштириш, шунингдек, бирламчи қўшимча жиҳозлаш мақсадида Молия вазирлиги

2020-2021 йилларда солиқ қўмитасига 100 миллиард сўм маблағ ажратди [6].

Бу ўз навбатида солиқ тизимида рақамли технологияларни кенг жорий қилишга, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнларини автоматлаштириш даражасини оширишга, шунингдек, солиқ органлари томонидан кўрсатилаётган электрон хизматлар турларини кўпайтиришга хизмат қилди. Шу орқали солиқ тўловчиларнинг ҳисобот тайёрлаш, тақдим этиш ҳамда солиқларни ўз вақтида тўлаш учун сарфлайдиган вақтини қисқартириш имконияти яратилди.

Шу билан бирга, янги авлод ҳисоблаш ускуналарини харид қилиш ва ўрнатиш орқали солиқ тизимининг техник салоҳияти ўртача 8 баробарга оширилди. Хусусан, доимий хотира ҳажми 4 петабайтгача, тезкор хотира ҳажми эса 52 терабайтгача етказилди. Ҳисоблаш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида процессор ядролари сони 8 432 тагача кўпайтирилди. Маълумот алмашинуви тезлиги 100 Гбит/с даражасигача оширилди.

Ушбу техник имкониятлар кенг қўламдаги маълумотларни тезкор қайта ишлаш, электрон хизматларни узлуксиз ва самарали тақдим этиш, шунингдек, солиқ маъмурияти жараёнларини автоматлаштиришда муҳим омилга айланди.

Натижада, Маълумотларни қайта ишлаш марказининг умумий сиғими 8 баробарга, ахборотни қайта ишлаш тезлиги эса 10 баробарга оширилди.

Бу ўз навбатида солиқ тизимида рақамли технологияларни кенг жорий этиш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнларини автоматлаштириш даражасини ошириш, электрон хизматлар турларини кенгайтириш ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳисобот тайёрлаш, тақдим этиш ва тўловни амалга ошириш учун сарфлайдиган вақтини қисқартиришга хизмат қилди.

1-жадвал

Солиқ қўмитасида 2020-2024 йиллар давомида ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган ахборот тизимлари сони тўғрисида МАЪЛУМОТ

Ишлаб чиқилган АТлар сони	Жами	Шундан				
		2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил
	86	11	19	21	20	15

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 2020–2024 йиллар давомида солиқ маъмурчилигини автоматлаштириш соҳасида тизимли ва изчил ишлар амалга оширилган. Ушбу беш йиллик давр мобайнида жами 86 та ахборот тизими ишлаб чиқилди ҳамда мавжудлари замонавий талабларга мувофиқ равишда модернизация қилинди.

Хусусан, автоматлаштириш жараёни 2020 йилдан бошлаб босқичма-босқич ривожланган ва 2022 йилда энг юқори нуктага етган. Мазкур йилда жорий этилган ахборот тизимлари сонининг кескин ортиши солиқ маъмуриятининг рақамлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини яққол намоён этади.

Шу билан бирга, кейинги 2023–2024 йилларда янгидан яратилган ахборот тизимлари сонига муайян пасайиш кузатилган бўлса-да, умумий жараён барқарор ривожланиш йўлида давом этган. Бу эса аввало илгари ишлаб чиқилган тизимларни тубдан такомиллаштириш, уларни интеграциялаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишларнинг амалга оширилаётганидан далолат беради.

Жумладан, пандемия шароитида жисмоний шахслар томонидан солиқ мажбуриятларини бажаришда қулайлик яратиш мақсадида “Soliq” мобил иловаси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Мазкур платформа солиқ тўловчиларга масофадан туриб ўз мажбуриятларини бажариш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтди.

Дастлабки йилларда мазкур илонадан фойдаланувчилар сони 1 миллион атрофида бўлган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг сони 11 миллион нафардан ошди. Шулардан 6,5 миллион киши доимий фаол фойдаланувчи сифатида рўйхатга олинди.

Тадбиркорлик субъектларининг даромадларини тўлиқ ҳисобга олишни таъминлаш мақсадида қисқа муддат ичида солиқ органлари томонидан онлайн назорат-касса машиналари ҳамда электрон ҳисоб-фактуралар тизими амалиётга жорий этилди.

Шу билан бирга, солиқ ислохотларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлигини ошириш мақсадида Жаҳон банки томонидан Ўзбекистон Республикасига 30 йиллик муддатга, шу жумладан 5 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, 60 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди [7].

Мазкур маблағларни солиқ маъмуриятчилигини ислох қилиш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда солиқ органлари ходимларининг малакасини оширишга йўналтириш белгиланди.

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Солиқ маълумотларини қайта ишлаш маркази” давлат унитар корхонасининг ташкил этилгани солиқ хизмати органларининг электрон маълумотлар базасини шакллантириш, бошқариш ва хавфсиз сақлаш, ахборот тизимларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларнинг узлуксиз фаолиятини таъминлашда муҳим туртки бўлди.

Натижада, Солиқ қўмитасининг маълумотларни қайта ишлаш марказида мавжуд сервер қурилмалари янгиланишга киришилди. Турли дастурлаш тилларида ишлаб чиқилган ва ўзаро мураккаб интеграцияланган ахборот тизимлари босқичма-босқич ягона платформага бирлаштирилди.

Электрон ҳисобварақ-фактуралар, онлайн назорат-касса машиналари ҳамда ташқи манбалар орқали шаклланадиган катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш имкониятини яратиш мақсадида қўшимча сервер ресурслари ажратилди. Шу билан бирга, солиқ маълумотлар базасини кенгайтириш мақсадида идоралараро маълумот алмашинуви кўлами кенгайтирилди.

Хулоса ва таклифлар

Бугунги куннинг энг устувор ва долзарб вазифаларидан бири — солиқ органлари томонидан тўпланган катта ҳажмдаги маълумотларни чуқур таҳлил

қилиш орқали солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган рақамли хизматларнинг кўлами ва сифати янада кенгайтиришдан иборатдир.

Шу мақсадда, мамлакатимизда катта маълумотлар базасига эга бўлган вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш, уларни ягона маълумотлар муҳитида бирлаштириш — яъни Lakehouse архитектураси асосида ягона миллий платформани яратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мазкур замонавий архитектура анъанавий маълумотлар омборлари (Data Warehouse) ва катта ҳажмли маълумотлар платформалари (Data Lake) имкониятларини бирлаштирган ҳолда, маълумотлар билан самарали, мослашувчан ва кўп функционалли ишлаш имконини беради. Ушбу ёндашув орқали реал вақт режимида маълумотларни қайта ишлаш, иқтисодий кўрсаткичлар асосида чуқур таҳлиллар олиб бориш, аниқ ва тезкор прогнозлар тайёрлаш, шунингдек, тўғридан-тўғри машинали ўқитиш (Machine Learning) моделларини жорий этиш мумкин бўлади.

Бундай тизим фақат солиқ органлари учун эмас, балки кенг миқёсдаги давлат бошқаруви жараёнлари учун ҳам таҳлилий қарорлар қабул қилишда самарадорликни оширади. Солиқ-бюджет сиёсатининг шаффофлиги ва мақсадлилиги таъминланади, аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулай, ишончли ва замонавий рақамли хизматлар муҳити яратилади.

Бунинг натижасида, фуқаролар ва бизнес вакиллари нафақат солиқ соҳасида, балки бошқа давлат хизматлари соҳаларида ҳам тезкор, шаффоф ва фойдаланувчига йўналтирилган хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар.

Ўз навбатида, солиқ органлари учун солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажаришга рағбатлантирувчи шароит яратилади, бу эса солиқ тўловчилар ва давлат ўртасидаги ишонч муҳитини мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, маълумотларни интеграцияланган ҳолда таҳлил қилиш механизмлари солиқдан қочиш ҳолатлари ва ноқонуний фаолиятларни аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олишда самарали восита сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Sanjeev Gupta, Michael Keen “Public Finance Goes Digital”, Finance and Development Magazine, March 2018 year, page 13.
2. Raul Felix Junquera-Varela and Cristian Oliver Lucas-Mas “Revenue Administration Handbook” 2018 year, page 129-140.
3. Н. Мухаммадов “Мамлакатимизда солиқ маъмурчилигида ахборот технологияларнинг зарурлиги ва унинг илмий-назарий асослари таҳлили” февраль, 2023 йил.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти “Солиқ юкини камайтириш ва соҳани рақамлаштириш вазифалари белгиланди” <https://president.uz/uz/lists/view/5060>.

5. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 05.06.2020 йилдаги 359-сон қарори, <https://lex.uz/docs/4844692>.

6. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.10.2020 йилдаги ПФ-6098-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/5073459>.

7. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.03.2022 йилдаги ПҚ-178-сон қарори, <https://lex.uz/docs/5921306>.